



КОРХОНАЛАРНИНГ ЛИКВИДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАРИ

Бауетдинов Мажит Жанызакович
Қорақалпоқ давлат университети

Аннотация. Корхоналарнинг ликвидлиги макроиқтисодий сиёсатнинг ўзгаришига бевосита боғлиқ. Жумладан, миллий валютанинг девальвация суръатини ва инфляция даражасини ошиши корхоналарнинг ликвидлигига салбий таъсир қилади. Мақолада республикада корхоналарнинг ликвидлигига таъсир қилувчи макроиқтисодий омилларнинг салбий таъсирини барҳам бериш йўллари асослаб берилган.

Калит сўзлар: корхона, ликвидлик, инфляция, девальвация, пул маблағлари, дебитор қарздорлик, кредит, фоиз ставкаси.

МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЛИКВИДНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Бауетдинов Мажит Жанызакович
Каракалпакский государственный университет

Аннотация. Ликвидность предприятий непосредственно зависит от изменения макроэкономической политики. В частности, повышение темпа девальвации национальной валюты и уровня инфляции отрицательно влияет на ликвидность предприятий. В статье обоснованы пути устранения отрицательных влияний макроэкономических факторов на ликвидность предприятий республики.

Ключевые слова: предприятия, ликвидность, инфляция, девальвация, денежные средства, дебиторская задолженность, кредит, процентная ставка.

MACROECONOMIC FACTORS OF ENSURING LIQUIDITY OF ENTERPRISES

Bauetdinov Majit Janyzakovich
Karakalpak State University

Abstract. The liquidity of enterprises directly depends on changes in macroeconomic policy. In particular, an increase in the rate of devaluation of the national currency and the rate of inflation have a negative impact on the liquidity of enterprises. The article substantiates ways to eliminate the negative effects of macroeconomic factors on the liquidity of enterprises in the republic.

Key words: enterprises, liquidity, inflation, devaluation, cash, receivables, credit, interest rate.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида 2023 йилдан бошлаб инфляциянинг йиллик даражасини 5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш ва давлат бюджетининг дефицитини номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3 фоиздаен ошмаслигига эришиш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган (Фармон, 2022). Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг макроиқтисодий омилларини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, корхонанинг ликвидлилигини ошириш усулларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқаришни айланма маблағларни қайта тақсимлаш, захираларни камайтириш, ликвидли активларни кўпайтириш ҳисобидан оптималлаштириш учун ресурсларни бошқаришнинг самарали тизимини яратиш;

- молиявий мажбуриятларни камайтириш ва уларни таъминлаш учун зарур бўлган пуллик ликвидли активларни кўпайтириш имконини берадиган молиявий барқарорлаштириш механизминини қўллаш;

- дебитор қарздорликни қайта молиялаш ва бунинг ҳисобидан факторинг, форфейтингни қўллаш асосида пул маблағларини кўпайтириш, дебитор қарздорликни айланиш тезлигини ошириш;

- фойдани, рентабелликни, тушумни кўпайтириш учун айланма активлардан интенсив фойдаланиш;

- дебитор қарздорликни сўндириш ва айланмадан ташқари активларнинг ўсишини чеклаш (Мухачёва ва бошқ. 2019).

Тобиннинг (2010) хулосасига кўра, ҳукумат ва Марказий банк, молиявий активларга бўлган талаб ва улар таклифини бошқариш, уларнинг даромадлилига таъсир этиш орқали капиталнинг инвесторлар учун мақбул бўлган даромад меъёрига таъсир этишлари мумкин. Агар монетар ҳокимият капиталнинг кутилаётган, инвесторлар учун мақбул бўлган даромад меъёрини пасайтирмақчи бўлса, у ҳолда, реал капиталга инвестициялар сифатида акциялар даромадининг бозор меъёрига таъсир этишлари мумкин.

Фридменнинг (1999) фикрига кўра, Марказий банк пуллар таклифини тартибга солиш учун етарли даражадаги имкониятларга эга бўлиб, инфляция соф пул феномени бўлгани ҳолда, кўп омилли жараён эмас. Шу боисдан, пул массасини тартибга солиш йўли билан инфляцияни жиловлаш мумкин ва бу вазифани фақатгина Марказий банк бажара олади.

Кроливецкаянинг (2011) хулосасига кўра, Марказий банк пуллар таклифининг иқтисодиётга таъсирини яратилган пулларни миллий иқтисодиётга қайси каналлар орқали кириб келаётганлигини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиш зарур. Пуллар таклифининг у ёки бу каналга боғлиқ равишда янги пулларнинг фоиз ставкаларига, миллий иқтисодиётга ажратиладиган кредитлар ҳажмига, давлат харажатлари даражасига, умумий талабга ва иқтисодий ўсиш суръатларига таъсири юзага келади.

Хесс ва Моррисларнинг (1996) фикрига кўра, баҳоларнинг сезиларсиз даражадаги ўсиши ҳам иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг фикрига кўра, баҳоларнинг унчалик сезиларли даражада бўлмаган ўсиши ҳам инфляция динамикасидаги ноаниқликни кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари кредитлари фоиз ставкасининг ўсишига олиб келади.

Бобакуловнинг (2008) хулосасига кўра, “монетизация коэффициентининг паст эканлиги иқтисодиётда ўзаро тўловсизлик муаммосини чуқурлаштиради, хужалик юритувчи субъектларнинг пул оқимини заифлаштиради, тўлов қобилиятини рағбатлантиришга тўсқинлик қилади ва пулнинг айланиш тезлиги нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради”.

Ҳақиқатдан ҳам, республикамиз иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги иқтисодиётдаги тўловсизлик муаммосини ҳал қилиш имконини бермайди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони мувофиқ:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига инфляция даражасини 2021 йилда 10 фоизгача пасайтириш ҳамда 2023 йилда 5 фоиз даражадаги доимий инфляцион мақсадни (таргет) ўрнатиш йўли билан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб пул-кредит сиёсати механизмларини босқичма-босқич инфляцион таргетлаш режимига ўтказишни таъминлаш вазифаси юкланди;

- монетар сиёсатнинг асосий принциплари қилиб қуйидагилар белгиланди:

* инфляциянинг доимий амал қиладиган мақсадини белгилаш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш;

* пул бозоридаги фоиз ставкаларини тартибга солиш ва инфляцион жараёнларни бошқариш мақсадида пул-кредит сиёсатининг кенг қамровли инструментларини қўллаш;

* пул-кредит сиёсати соҳасида объектив қарорлар қабул қилиш мақсадида ички ва ташқи бозорларда мавжуд бўлган очиқ маълумотларни ҳисобга олган ҳолда батафсил макроиқтисодий таҳлил ва прогнозларни амалга ошириш;

* пул-кредит сиёсати мақсадларини кенг жамоатчиликка етказиш, макроиқтисодий ҳолатнинг олдиндан кўра билинишини таъминлаш ва бозор иштирокчилари ишончини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коммуникация сиёсатини такомиллаштириш (Қонун, 2019).

Миллий иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси кўп омилли жараён бўлиб, унга таъсир қилувчи асосий омиллардан бири бўлиб, тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти ҳисобланади.


1-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётини пул маблағлари билан таъминланганлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар⁵³

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси, %	20,5	17,8	18,5	19,6	21,2
Инфляция даражаси, %	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3
ЯИМнинг ўсиш суръати, %	5,5	6,0	2,0	7,4	5,7
Тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %	20,5	24,2	22,3	20,8	21,9

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Аммо, таҳлил қилинган давр мобайнида мамлакат иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлиги паст даражада қолган. 1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизда инфляция даражаси 2018-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган, аммо, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизда ЯИМнинг ўсиш суръати 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ички валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талаб ва чет эл валютаси таклифи миқдори, млрд. АҚШ доллари⁵⁴


⁵³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

⁵⁴ Ички валюта бозорида амалга оширилган операциялар. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг фоиз ставкаси таҳлил қилинган давр мобайнида юқори бўлган.

1-расм маълумотларидан кўринадикки, республикамиз ички валюта бозорида 2019-2020 йилларда чет эл валютасига бўлган талаб миқдори чет эл валютаси таклифи миқдоридан сезиларли даражада юқори бўлган. Бу эса, ички валюта бозорида мувозанатни таъминланмаганлигини кўрсатади ва тижорат банкларининг валюта операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг девальвацион кутилмаларининг салбий бўлиши, одатда, хорижий валюталарга бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Бундай шароитда, кўпинча, Марказий банкнинг валюта интервенцияси чет эл валютасига бўлган талабнинг кескин ошишига барҳам бера олмайди. Чунки, девальвацион кутилма салбий бўлган шароитда Марказий банк томонидан валюта интервенцияси доирасида АҚШ долларини сотиш ҳажмини ошиб бориши билан бозор иштирокчилари томонидан АҚШ долларини сотиб олиш ҳажмини ҳам ошиб бориши кузатилади.



2-расм. Миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси, сўм (ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь ҳолатига)⁵⁵

2-расм маълумотларидан кўринадикки, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация суръати 2017-2021 йилларда нисбатан юқори бўлган.

Хулоса ва таклифлар.

Илмий тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

* республикамиз корхоналарининг ликвидлигига салбий таъсир қилаётган макроиқтисодий омиллар бўлиб, инфляция даражасининг юқори эканлиги, иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини юқори эканлиги ва миллий валютанинг девальвация суръатини юқори эканлиги ҳисобланади;

* Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган бўлса-да, 2018-2022 йилларда мамлакат иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлиги паст даражада қолди;

* республикамизда инфляция даражаси 2018-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлди, ammo, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошди;

* республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг фоиз ставкаси 2018-2022 йилларда юқори бўлди;

⁵⁵ Ички валюта бозорида амалга оширилган операциялар. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

* юридик ва жисмоний шахсларнинг девальвацион кутилмаларининг салбий бўлиши хорижий валюталарга бўлган талабнинг ошишига олиб келмоқда. Бу эса, девальвация суръатини юқори бўлишига олиб келмоқда.

Фикримизча, макроиқтисодий омилларнинг республикаимиз корхоналарининг ликвидлигига нисбатан юзага келган салбий таъсирига барҳам бериш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатларни компенсация қилиб бериш мақсадида махсус жамғарма ташкил этиш лозим.

Ушбу Жамғарма маблағлари миллий валюта шакллантирилиши лозим ва унинг ташкил топиш манбаи бўлиб, марказлашган экспортдан тушган валюта тушумини сотишдан олинган пул маблағларидан қилинадиган ажратма ҳисобланади.

2. Мамлакат иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражасини таъминлаш орқали корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш керак; иккинчидан, тратталар муомаласини йўлга қўйиш орқали дебитор қарздорликни айланиш тезлигини ошириш лозим; учинчидан, импортнинг ўрнини босадиган товарларга давлат буюртмаси ҳажминини ошириш йўли билан давлат бюджетининг иқтисодий мазмунга эга бўлган харажатлари миқдорини ошириш зарур.

Республикаимизда тратталар муомаласи 1997 йилда вақтинчалик тўхтатилган эди, бироқ, ҳозирга қадар тикланмади. Ҳолбуки, тратталар муомаласи корхоналарнинг дебитор қарздоплигини айланиш тезлигини ошириш имконини беради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Hess G., Morris C. (1996) *The Long-Ruh Costs of Moderate Inflation // Federal Reserve Bank of Kansas City Economic Review. Second Quarter.* – P. 71-88.

Бобакулов Т.И. (2008) *Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари.* И.ф.д. илм. дар. ол. учун тақ. эт. дисс. – Тошкент, – Б.74-75.

Кроливецкая В.Э. (2011) *О каналах предложения денег в российской экономике//Вестник ОГУ, – №13. – С. 269.*

Қонун (2019) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877 – сонли “Инфляцион таргетлаш режимида босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони.* Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.11.2019 й., 06/19/5877/4036-сон.

Мухачёва А.В., Морозова Е.А., Пастухова Е.Я. (2019) *Ретроспективная экономика: преодолены ли последствия «непризнанного» экономического кризиса 2014 года в индустриальных регионах России?//Муниципалитет: экономика и управление., – № 2 (27). – С. 18–31.*

Тобин Дж. (2010) *Денежная политика и экономический рост. Пер. с англ. – М.: ЛИБРОКОМ. – С. 162.*

Фармон (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони.* Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

Фридмен М. (1999) *Если бы деньги заговорили... Пер. с англ. – М.: Дело., – С. 132-134.*